



ЎРТА АСР АЛЛОМАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИКА ВА ТАРБИЯ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Дастонжон Рустамов Ўктам ўғли
ЎзДЖТСУ Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада ўрта аср алломаларининг педагогика ва тарбия борасидаги қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган.

Ключевые слова: ўзбек, мовароуннаҳр, хуросон, мустақиллик, маънавият, жамият, педагогика, қадрият, ахлоқ.

Таъкидлаш жоизки, истиқолол йилларида Ўзбекистон ёшларига миллий руҳда тарбия бериш педагогика соҳасидаги энг долзарб вазифалардан бири сифатида эътироф этилди. Айниқса, миллатлараро муносабатларга нисбатан соғлом нуқтаи назарни, миллатлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришда юксак даражадаги маънавий қадриятларга ҳурматни қарор топтириш бу йўналишдаги ишларнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Бунинг учун ёшларда атроф-муҳитга нисбатан ахлоқий жиҳатдан асосланган танлов имкониятини вужудга келтириш, оила, жамият, ундаги идеаллар ва муайян ижтимоий гуруҳларга нисбатан бардошли бўлиш кўникмасини шакллантириш лозим. Жамиятнинг тараққий этиш қонуниятлари билан боғлиқ ҳолда унда яшовчиларнинг маънавий жиҳатдан аждодлар меросини узвий ўзлаштиришларига ҳам эътибор қаратилади.

Умуман, халқ маданий меросига ҳурмат инсон ички маданиятининг намоён бўлиш шакллари билан биридир. Бу ўзбек халқининг юксак ахлоқий қадриятларига содиқлик, халқнинг миллий-маънавий қарашларига асосланиб, фидойиликнинг юксак кўриниши сифатида намоён бўлади. Бу ўқувчи-ёшларда ўз халқининг асрий идеалларига юксак ишонч, уни ҳурмат қилиш ва кадрлаш туйғусини таркиб топтиради. Айнан мана шу жиҳатлар миллий руҳдаги тарбиянинг ўзига хос таянчини ташкил қилади.

Миллий тарбия ҳақида фикр юритганда ушбу педагогик сегментнинг илдизларига тўхталиб ўтиш лозим. Сир эмаски, Ўрта Осиёда минг йилдан ортиқ давр мобайнида ўзига хос ва бой маданият шаклланиб келган бўлиб, бугунги кунда унинг сақланиб қолган қисми маҳаллий халқларнинг миллий тарихий меросини ифода этади. Мазкур мерос ўз ичига ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётнинг қарийб барча жабҳаларини қамраб олади. Хусусан, педагогика ҳам бундан мустасно эмас.

Шарқ педагогикаси, авваламбор, ислом дунёсида урф бўлган қонуниятлар мезонларига, ундан кейин эса халқларнинг асрий тажрибаси мобайнида тўпланган билимларнинг самарадор таҳлили ва амалиётга татбиқига таянади. Инсоний қадриятларни бойитишда халқ педагогикаси ҳам ўзининг муайян ўрнига эга. Чунки ўзбек халқ педагогикасида баркамол шахс тарбиясининг таркибий қисми сифатида ёшларни миллатлараро ва динлараро бағрикенглик ҳамда мулоқотга ундаш муҳим ўрин эгаллаган. Халқ дostonлари, эртаклари ва кўшиқларида турли миллат вакиллари орасидаги ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик улуғланган. Халқ педагогикасининг ўзига хос шакллари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: халқнинг тарихий хотираси; ўзбек халқининг анъаналари; халқона маданият; миллий тарбия; маънавият; шахс; халқ [3, Б. 563-565].



Миллий педагогика хазинадонининг бу икки палласи бирдай қиймат касб этади. Лекин ёзма мерос ўзининг аутентиклиги, бутун дунёга тарқалганлиги ҳамда Шарк маданиятининг “юзи”га айланиб улгургани билан диққатга сазовордир. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросон маданияти ва илм-фани ўзининг тараққиёт чўққисига етган давр ҳисобланади. Айниқса, қудратли Темурийлар империяси даврида маданият ривожини учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Бунинг натижасида астрономия, адабиёт, фалсафа, тарих, адабиётшунослик, педагогика сингари йўналишларга улкан ҳисса қўшган кўплаб етук мутахассис ва алломалар етишиб чиқди.

Темурийлар даври педагогикасининг энг кўзга кўринган намояндаларидан бири, шубҳасиз, Хусайн Воиз Кошифийдир. У ўрта аср Хуросон ва Мовароуннаҳр маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган ҳамда ўз асарлари билан кейинги авлодларга катта таъсир кўрсатган машҳур алломалардан бири сифатида тарихда қолган. Айниқса, унинг “Ахлоқи Мухсиний” ва “Футувватномаи султоний” асарлари Темурий шахзодалар ҳамда аслзодаларга бағишланган бўлиб, уларда муаллиф авлодларни юксак фазилатларга соҳиб бўлишга ундади. Шунинг учун айтиш мумкинки, унинг китобларида ўз даврининг энг юксак ахлоқий ва тарбиявий идеаллари акс этган.

Хусайн Воиз Кошифий инсонни дунёдаги энг юксак олийжаноб мавжудот деб билади. Бу Кошифий ахлоқий таълимотининг етакчи ғоясидир. У салбий ахлоқий хислатларни қоралайди ва уларнинг инсон ҳаётида ва жамият учун катта зарар олиб келишини қатор ҳикоят ва ривоятлар билан кўрсатади [Қаранг: 4].

Кошифий ўз асарларида яхшилик ва ёмонлик, адолат, виждон, бурч тушунчалари ҳақида ҳам атрофлича фикр юритади. Ахлоқ нормаси – инсонларнинг хулқ, феъл-атворларини тартибга солиб турувчи ахлоқий талаблардир. Олим ижобий хислатларни кишиларда бўлиши шарт бўлган инсоний фазилат деб тушунади ва сабр, ҳаё, иффат, покизалик, сахийлик, ростгуйлик, шижоат, камтарлик, хушёрлик, ҳимматлилик, диёнатлилик, аҳдига вафолик, андишалилик, сир яшира олиш каби фазилатларни бирма-бир таърифлаб ўтади. Кошифий ахлоқли инсон деганда илм-маърифатга интилувчи, ҳақиқат ва адолатни севувчи, адолатсизликка қарши курашувчи, мард, ҳаракатчан, очиқ қалб инсонни тушунган [4, Б. 41-45].

Ахлоқ масалаларини ёритишда Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” асари муҳим аҳамиятга эга. Кошифий ўз асарларида сиёсат, давлатни бошқариш масалалари бўйича ҳам ўз даври учун муҳим фикрларни олға суради. У давлатни одилона боқаришда сиёсатдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди:

Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир.

Агар шоҳлар сиёсат тиғин элига қилмаса зоҳир.

Таъкидлаб ўтиш жоиз, ўрта асрларда Хуросон маънавий ҳаётида биринчи ўринда турган шахс Алишер Навоий эди. Шу маънода, Кошифий ҳам унинг ахлоқий ва тарбиявий қарашларидан озуқа олгани ҳақиқатга яқин фикрдир. Уларнинг қарашларини қиёслаганда маълум параллеллар кузатилади.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида илм-маърифат, санъат ва адабиёт масалалари ҳақида сўз юритади, бу соҳа эгаларига таъриф ва тавсиф беради, уларнинг жамиятдаги ўрнига тўхталиб ўтади. “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг бир неча қисми маърифат, илм-фан, маданият, адабиёт соҳаси вакилларига бағишланган. Мазкур ўринларда Навоий мутафаккир ва мураббий, етук олим сифатида илм, маданият, санъат ва адабиётнинг



бекиёс ўрнини белгилайди, истеъдодли шахслар, илм кишилари, котиблар, шоирлар, сўз санъаткорларини эътироф этади, бундай маърифат улашувчиларга эътиром кўрсатишга чорлайди. Жамият учун муҳим бўлган бундай соҳа вакилларининг масъулиятли вазифаси хусусида тўхталади. Аксинча, ўз касбига беъэтибор қарайдиган, масъулиятсиз, фақат манфаат исканжасида ҳаракат қилувчи, мансабпараст кимсаларни танқид остига олади. Алишер Навоийнинг фикрича, таълим олиш учун инсон меҳнат қилиши керак. Хусусан,

Йигитликда йиғ илмнинг маҳзанин

Қарилик чоғида сарф қилғил ани.

Инсон ҳаётида илм эгаллаши билан у ўзида маънавий фазилатларни камол топтиради, илм хазинага қиёс этилади. Чунки илм эгаллаган киши фаровон яшайди, ҳаёт ҳодисаларини теранроқ англайди. Байтнинг иккинчи мисрасида “қарилик чоғи”нинг зикр этилиши кенг маънода бўлиб, илм умр давомида керак бўлиши, уни сарфлаган билан тугамаслиги, кексалик ёшида илм хазинасини ўзидан кейинги авлодларга қолдириши зарурлиги назарда тутилган. Байтда йигитлик-кексалик сўзлари маъно жиҳатдан зид бўлиб, мумтоз адабиётдаги тазод санъати орқали шоир ўз фикрларини янада ёрқинроқ ифодаламоқда.

Алишер Навоий асарларида шарқона таълим, устоз ва мураббийлар хусусидаги фикру қарашларни тизимлаштириш мумкин:

1. Бошланғич ва ўрта таълим. “Маҳбуб ул қулуб” асарида “Дабиристон хусусида” фасли.
2. Махсус таълим. Мадраса таълими.
3. Дарс берувчилар: 1. Мактабдор шахслар. 2. Мударрислар [1, Б. 53].

Алишер Навоий мактабдорни “беғуноҳ маъсумларга жафокор” эканлиги, болалар билан ишлашда қийинчиликларга тўғри келишини таъкидларкан, уларнинг қаттиққўл бўлиши, бироқ кўнгли тоза бўлиши зарурлигини айтади. Мактабдорларнинг меҳнатини девлар ҳам бажара олмайдиган иш эканлигини ўзига хос ташбеҳ воситасида ифодалайди: “Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, дев қила олмас, ҳар қаттиғ кишини бир тифл муҳофазати ожиз этар, ул бир сурукка илм ва адаб ўргатгай, анга не етар”.

Дастлабки билимни берган мактабдорнинг ўқувчида ҳаққи кўплигини, бу ўқувчи агар юқори мансабни эгаллаганда ҳам устозига қуллуқ қилиши кераклигини айтиб, устознинг розилиги яратгувчининг розилигига тенглаштирилади: “Ҳар тақдир била атфолга ҳаққи кўпдур, агар подшоҳликка етса ва анга қуллуқ қилса хўбдур. Шогирд агар шайхул ислом, агар қозидир, агар устод андин розидур тенгри розидур”.

Болаларни саводли ва билимли қилмоқ учун ўқитувчи кўп заҳмат ва машаққат чекади, бинобарин, биргина ҳарфни ўргатган кишини ҳам доимо иззат эътиром қилмоқ керак, уни унутмаслик лозим.

Асарда илм ўрганиб унга амал қилмаган одам, уруғ сочиб ҳосил олмаган кишига ўхшатилади. Ҳар бир ўзлаштирилган илм қарз ҳисобланади, чунки инсон ўзи ўрганган илмларни ўзидан кейинги авлодларга етказишга масъулдир. “Илм ўқуб амал қилмагон, ерни шиёр қилиб тухум солмоғонга ўхшар ё тухум солиб, маҳсулидан баҳра олмағонга”.

Алишер Навоийнинг шарқ таълими, одоби, ахлоқ меъёрлари ҳақидаги фалсафий мулоҳазалари, маърифатпарварлик қарашлари асрлар ўтса-да, ўз кадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Унинг давомчиларидан бири эса кичик замондоши Захириддин Муҳаммад Бобур бўлди. Машҳур давлат ва санъат арбобларидан бири бўлган бу шахс ўз асарларида Кошифий ҳамда Навоий китобларида акс этган ахлоқий қарашларни давом



эттирди.

Бобур қўл остидаги беклар, амирзодалардан инсонийлик, адолатпарварлик, дўстга вафодорлик туйғулари билан ҳокимиятни бошқаришни талаб қилган. Ҳукмдор ва ижодкор шахслар ҳақида сўзлар экан уларнинг аввало инсонийлик, дўстни улуғлаш, дўстга ва ёрга вафодорлик томонларига чуқур эътибор қаратади. Сотқин, бадбин, маишатпараст, қаландимоғ шахсларга ўз нафратини очиқ баён этди:

Бобур Қосимбекдан аввалги бек атқаси Шайх Мазидбек ҳақида шундай тавсиф беради: Яна бири Шайх Мазидбек эди, манга аввал бек атқа ани қилиб эдилар. Забти ва тузуки хейли яхши эди. Бобур Мирзога хизмат қилгандур. Умаршайх Мирзо қошида андин улуғроқ бек йўқ эди. Фосиқ киши эрди, чухра сахлар эди.

Беклардан бири Хасан Яъқуббек хусусида тўхталар экан қўйидагича тавсиф беради: Яна бири Хасан Яъқуббек эди. Кичик кўнгиллук, яхши таъблик, чуст ва чапсон қиши эрди. Бу байт анингдур:

Боз ой, эй ҳумойки, бетўтин халат

Наздик шуд ки зод барад устухониман.

Ёки: Яна бир Али Мазидбек қавчин эди, икки қатли ёзғий бўлди: бир марта Аҳсида, яна бир мартаба Тошкентда. Мунофиқ ва фосиқ ва харомнамак ва ярамас киши эрди” [2, Б. 26].

Бобур шахсларга тавсиф берар экан, уларнинг инсоний хислатларини улуғлайди. Бироқ дўстликни, яхшиликни, инсонийлик хислатларини топтаган, худбин шахсларнинг қилмишлари ҳалокатли эканлигини қўйидагича таърифлайди:

“Муҳаммад Хусайн Мирзони озод қилдим. Хуросон сари руҳсат берилди, бу бемурувват ва ҳақносшунос киши менинг мундоқ яхшилигимниким, жонини бағишладим, билкул унутиб, Шайбонийхон қошида мендин ғийбатлар ва шикоятлар қилибтур. Оз фурсат ўтмадиким, Шайбонийхонўқ ўлтуриб, жазосига еткурди” [2, Б. 26].

Ўтмишдан маълумки, Бобур инсонпарвар, адолатпарвар, бағрикенглик хислатларини ўзида жамлай олган улуғ шох ва давлат арбоби, ҳис-туйғуларни теран англай билган шоир, педагог сифатида тарихда муҳим из қолдирди.

* * *

Авлодлар алмашинувида муайян қонуниятлар мавжуд. Ҳар бир янги авлод ўзининг ҳаёт тарзини бошлар экан, ўз аجدодлари фаолиятининг маҳсули сифатида мавжуд объектив борликни идрок этади. Бу эса ўз навбатида, ёш авлодда ўзидан олдинги ўтган аждодлари фаолиятининг давомчиси эканлигини ҳис этиш туйғусини қарор топтиради. Шу қонуниятларга мувофиқ бугунги ўзбек ёшларида аждодлар томонидан яратилган маънавий-ахлоқий меросни ижодий ўзлаштириш ва анъаналарини давом эттириш тажрибаси шаклланмоқда.

Педагогик нуқтаи назардан маънавий мерос ва қадриятларни авлодлардан авлодларга узатиш асосида олий фазилатлар ёшларга ўргатиб борилмоқда. Бу эса аждодларни авлодлар билан ўзаро яқинлаштиради. Бу тарзда тажрибаларни бир-бирига узатиш орқали турли даврларда яшовчи авлод вакиллари ўзаро руҳан яқинлашадилар ва мавжуд тажрибаларни бирдай қўллаш бошлайдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий қадриятлар инсоннинг ҳеч қачон



Ўзгармайдиган бурчларига садоқат, инсоннинг инсоний ҳислари, ҳаётий кадриятларга эътиқод, ўз олдига қўйган ҳаётий мақсадларига қатъият билан эришиш, ўзини такомиллаштириш, маънавиятлилик, ёвузлик билан кураш, ички ва ташқи уйғунликка эришишга ундайди. Ўзбек халқи педагогик тажрибасини ўзлаштиришнинг бугунги кунда долзарблик касб этиши унинг ёшларни халқпарварлик, миллий ва диний бағрикенглик, тоқатлилик руҳида тарбиялай олганлигидадир. Ҳусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Бобур каби алломалар ўз асарларида ёш авлодни миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда она тилига бўлган муҳаббатни қарор топтиришни алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Айниқса, мазкур алломалар ўз халқини, Ватанини севиш билан бир қаторда ўзга халқ ва миллатларнинг маданиятлари, урф-одатларини ҳурмат қилишни ўз асарларида доимо даъват этишган.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: 2014.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: 1989.
3. Шарқ уйғониш даври мутафаккирларининг қарашларида инсонпарварлик ғояси ва уларнинг миллий тарбия тизимида ўрни. Мақолалар тўплами – Андижон: 2015.
4. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. – Тошкент: 2011.